Кесувчи асбоб Развёртка Р6М5 ГОСТ 1984-73

1. Кесиш чуқурлиги.

$$t = 0.5 \text{ мм}$$

2. Суриш қийматини аниқлаймиз.

$$S_0 = 1.3 \text{ мм/айл ([1], Т-2 22б)}$$

дастқоқ бўйича қабул қиламиз

$$S_0 = 1.3 \text{ мм/айл}$$

3. Кескич турғунлик даври

$$T = 100 \text{ дақ ([1], Т-3 26б)}$$

4. Кесиш тезлигини топамиз

$$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$$

$$V_{\text{ж}} = 60 \text{ м/дақ ([1], 30б)}$$

K_1 – материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1 = 1.0 \text{ ([1], 29б)}$$

K_2 – турғунликка боғлиқ коэффициент;

$$K_2 = 1.0 \text{ ([1], 29б)}$$

K_3 – ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент;

$$K_3 = 0.9 \text{ ([1], 29б)}$$

$$V = 60 \cdot 1.0 \cdot 1.0 \cdot 0.9 = 56 \text{ м/дақ}$$

5. Шпинделни айланишлар сонини аниқлаймиз.

$$n = \frac{1000 \cdot v}{\pi \cdot d} = \frac{1000 \cdot 56}{3.14 \cdot 30} = 524 \text{ айл/дақ}$$

дастқоқ бўйича қабул қиламиз

$$n=500 \text{ айл/дақ}$$

6. Ҳақиқий кесиш тезлигини топамиз.

$$V = \frac{\pi \cdot d \cdot n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 30 \cdot 500}{1000} = 52 \text{ м/дақ}$$

7. Асосий вақт.

$$t_a = \frac{L_{u.io}}{S_0 \cdot n} = \frac{22}{1.3 \cdot 500} = 0.033 \text{ дақ}$$

$$L = l + l_1 + l_2 = 17 + 3 + 2 = 22 \text{ мм}$$

Ўтишб. 5та тешиқ Ø8Н12 ўлчамда пармалансин

Кесувчи асбоб спирал парма Р6М5 ГОСТ 10903-77

1. Кесиш чуқурлиги.

$$t=4.0 \text{ мм}$$

2. Суриш қийматини аниқлаймиз.

$$S_0=0.3 \text{ мм/айл ([1], Т-2 22б)}$$

дасткоҳ бўйича қабул қиламиз

$$S_0=0.3 \text{ мм/айл}$$

3. Кескич турғунлик даври

$$T=25 \text{ дақ ([1], Т-3 26б)}$$

4. Кесиш тезлигини топамиз

$$V=V_{ж} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$$

$$V_{ж} = 24 \text{ м/дақ ([1], 30б)}$$

K_1 – материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1 = 0.7 \text{ ([1], 29б)}$$

K_2 – турғунликка боғлиқ коэффициент;

$$K_2 = 1.0 \text{ ([1], 29б)}$$

K_3 – ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент;

$$K_3 = 0.9 \text{ ([1], 29б)}$$

$$V=24 \cdot 0.7 \cdot 1.0 \cdot 0.9=15.2 \text{ м/дақ}$$

5. Шпинделни айланишлар сонини аниқлаймиз.

$$n = \frac{1000 \cdot v}{\pi \cdot d} = \frac{1000 \cdot 15.2}{3.14 \cdot 8} = 601 \text{ айл/дақ}$$

дасткоҳ бўйича қабул қиламиз

$$n=500 \text{ айл/дақ}$$

6. Ҳақиқий кесиш тезлигини топамиз.

$$V = \frac{\pi \cdot d \cdot n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 8 \cdot 500}{1000} = 12,5 \text{ м/дақ}$$

7. Асосий вақт.

$$t_a = \frac{L_{u.io}}{S_0 \cdot n} = \frac{23}{0.3 \cdot 500} = 0.16 \text{ дақ}$$

$$5 \cdot 0,16 = 0,8 \text{ дақ.}$$

Ўтиш7

3 та тешиқ Ø12Н12 ўлчамда цековкалансин

Кесувчи асбоб цековка Р6М5 ГОСТ 1884-73

1. Кесиш чуқурлиги.

$$t=2.0 \text{ мм}$$

2. Суриш қийматини аниқлаймиз.

$$S_0=0.3 \text{ мм/айл ([1], Т-2 226)}$$

дасткоҳ бўйича қабул қиламиз

$$S_0=0.3 \text{ мм/айл}$$

3. Кескич турғунлик даври

$$T = 100 \text{ дақ ([1], Т-3 266)}$$

4. Кесиш тезлигини топамиз

$$V=V_{ж} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$$

$$V_{ж} = 40 \text{ м/дақ ([1], 306)}$$

K_1 – материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1 = 1.0 \text{ ([1], 296)}$$

K_2 – турғунликка боғлиқ коэффициент;

$$K_2 = 1.0 \text{ ([1], 296)}$$

K_3 – ишлов бериш турига боғлиқ коэффициент;

$$K_3 = 0.9 \text{ ([1], 296)}$$

$$V=40 \cdot 1.0 \cdot 1.0 \cdot 0.9=36 \text{ м/дақ}$$

5. Шпинделни айланишлар сонини аниқлаймиз.

$$n = \frac{1000 \cdot v}{\pi \cdot d} = \frac{1000 \cdot 36}{3.14 \cdot 12} = 955 \text{ айл/дақ}$$

дасткоҳ бўйича қабул қиламиз

$$n=710 \text{ айл/дақ}$$

6. Ҳақиқий кесиш тезлигини топамиз.

$$V = \frac{\pi \cdot d \cdot n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 12 \cdot 710}{1000} = 26,7 \text{ м/дақ}$$

7. Асосий вақт.

$$t_a = \frac{L_{u.ю}}{S_0 \cdot n} = \frac{15}{0.3 \cdot 710} = 0.07 \text{ дақ}$$

$$L = l + l_1 + l_2 = 10 + 3 + 2 = 15 \text{ мм}$$

$$\Sigma T = 3 \cdot 0,07 = 0,21 \text{ дақ.}$$

3.8. САРФЛАНГАН ТЕХНИК ВАҚТ МЕЪЁРИНИ АНИҚЛАШ

Техник меъёрлаш деганда маълум бир ишни бажариш учун сарфланган вақт меърини тўғри белгилаш ишлаб чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга ишни бажариш учун сарфланган вақт бирлиги технологик жараёни қандай даражада такомиллашганлигини кўрсатувчи асосий омилларидан биридир.

Вақт меъёрини техник ҳисоблар ва тахминлар асосида дастгоҳларни ва кесувчи асбобларни имкониятларидан тўлиқ фойдаланишини ишлов берилаётган деталга қўйилган техникавий шартларини инобатга олиб аниқланади.

Машинасозликда вақт меъёрини белгилаш металл кесиш дастгоҳларида бажариладиган алоҳида операция учун сарфланган вақтни ёки вақт бирлиги ичида тайёрланадиган деталлар миқдорини аниқлаш демакдир.

Шундай қилиб техник асосланган вақт меъёри деганда маълум бир ташкилий – техникавий шароитларда ишлаб чиқариш воситаларидан илғор усуллар ёрдамида унумли фойдаланиб технологик жараён операциясини бажариш учун сарфланган вақт тушунилади.

Техник вақт меъёрини аниқлаш алоҳида операция бажаришни таҳлил қилиб ҳар бир иш учун сарфланган вақтни ҳисоблаш асосида олиб борилади.

Серияли ишлаб чиқариш шароитида вақтларни техник меъёрлаш қабул қилинган, кесиш маромлари бўйича ҳисобий аналитик усулида бажарилади.

Донали калкуляцион вақт қуйидагича аниқланади.

$$T_{\text{о.к}} = T_a + T_{\text{ёп}} + T_{\text{тех}} + T_{\text{таш}} + T_{\text{дам}} + \frac{T_{\text{м.я.}}}{n}; \text{ дак}$$

бу ерда:

T_a —ишлов беришга сарфланган асосий вақт, дак

$T_{\text{ёп}}$ —асоий ишни бажариш учун зарур бўлган ёрдамчи ҳаракатларга сарфланган вақт, дак

$T_{\text{оп}}=T_a+T_{\text{ёп}}$ —оператив вақт, дак

$T_{\text{тех}}$ —техник хизмат кўрсатиш вақти, асосий вақтни 3% ига тўғри келади, дақ

$T_{\text{таш}}$ —ташкилий хизмат кўрсатиш вақти, оператив вақтда 2.5% ига тўғри келади, дақ

$T_{\text{дам}}$ —дам олиш вақти, оператив вақтдан 5% ига тўғри келади, дақ

$T_{\text{т.я}}$ — тайёрлов якуний вақт, дақ

n —партиядаги деталлари сони, дона.

Қолган операцияларда

$$T_{\text{д.к.}} = \frac{T_{\text{т.т.}}}{n} + T_a + k(T_{\text{ў.м}} + T_{\text{б.е.}} + T_{\text{б}} + T_{\text{ўл}}) + T_{\text{хиз.дам}}; \text{дақ}$$

бу ерда:

T_a —ишлов беришга сарфланган асосий вақт, дақ

$T_{\text{ёр}}$ —асоий ишни бажариш учун зарур бўлган ёрдамчи харакатларга сарфланган вақт, дақ

$T_{\text{оп}} = T_a + T_{\text{ёр}}$ —оператив вақт, дақ

$T_{\text{ў.м.}}$ — детални ўрнатиш ва махкамлаш га кетган вақт, дақ

$T_{\text{б.е.}}$ —детални бўшатиш ва ечишга кетган вақт, дақ

$T_{\text{хиз.дам}}$ — хизмат кўрсатиш ва дам олиш вақти, дақ

$T_{\text{т.я}}$ — тайёрлов якуний вақт, дақ

n —партиядаги деталлари сони, дона.

k -коэффициент, ўрта сея учун $k = 1,85$.

Олинган натижавларни қуйидаги жадвалга киритамиз

Операция	ΣT_0	$T_{\text{ёр}}$			$T_{\text{оп}}$	$T_{\text{хиз.дам.}}$	$T_{\text{т.т.}}$	n	$T_{\text{д.к.}}$
		$T_{\text{ў.м.}}$ $T_{\text{ў.м}}$	$T_{\text{б}}$	$T_{\text{ўл}}$					
Вертикал фрезалаш	0,788	0.2	0.2	0.24	2,046	0,16	25	70	2,56
Пармалаш	3,71	0.11	0,4	0.36	5,32	0,37	21	70	5,99

4.Конструкторлик қисм.

4.1. Дастгоҳ мосламасини лойихалаш ва ҳисоблаш.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш объекти тез-тез алмашилиб туради. Шу сабабли ишлаб- чиқаришни ёгнологик таёрлаш вақтини камайтириш учун маъсулаштирилган, тез созланадиган ва универсал йиьма мосламалар кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар ва улар асосида мосланувчан ишлаб чиқариш модуллари ташкил қилиниши билан улар учун юқори аниқлик ва загатовкани тез алмашилувини таминлайдиган универсал созланадиган мосламалар ишлатилмоқда. Бундан ташқари мосламаларни элементларини унификациялаш ва стандартлаш асосида мосламаларни ЭҲМ да автоматлаштирилган тарзда лойиьалаш йўлга қўйилмоқда. Машинасозликда мосламалар технологик жиҳоз (дастгоҳ) лар учун ёрдамчи қурилмалар сифатида ишлов бериш, йиғиш ва ўлчаш амалларини бажаришда ишлатилади.

Мосламалар қўлланганда:


- ишлов олдида загатовкаларни белгилаб олиш зарурати қолмайди;
- иш унумдорлиги ошади;
- махсулот таннархи камаяди;
- меънат шароити енгиллашади ва ьавфсизлиги таминланади;
- теьнологик жиьозларни имконияти кенгаяди;
- кўп дастгоҳларга ьизмат кўрсатиш мумкин бўлиб қолади;
- маъсулот таёрлаш учун керак бўлган ишчилар сони камаяди.

Умуман олганда мосламаларни қўлланиши нафақат юқоридан яхши томонларга эга, балки теьнологик жараёни бажариш ёрдамчи вақтни кескин камайтиради ва ишлаб чиқаришни технологик таёрлаш вақтини камайишига олиб келади.

Мосламани лойиьалашда дастгоҳни ишчи қисми ва мослама маъкамланадиган элементларни ўлчамлари аниқланади: ишлов берилаётган идетални базалаш назарий схемасидан ; база юзаласи аниқлиги ва тозаликларидан келиб чиқиб, ўрнатувчи элементларини тури ва ўлчамларини, Уларни сони ва ўзаро жойлашишлари аниқланади. Баз алаш хатолклари топилиб берилган иш унумдорлигини ҳисобга олиниб мослама тури аниқланади. қисиш кучи таосир этиш нуқтаси ва йўналтириш қабул қилиниб конструктив параметрлари ўлчамлари ва

кучни бериш манбаи аниқланади, мосламада заготовкани ўрнатиш ва маҳкамлаш хатоликлари аниқланади.

Бизга берилган деталимизга механик ишлов беришда деталимизни маҳкамлаш учун пневмосилиндр мосламалардан фойдаланамиз. Поршенли цилиндр билан бириктириш жойида ва штокни цилиндрдан чиқиш жойида халқа В-шаклидаги резина зичлагичлар ўрнатилади. Агар зичлагич сифатида халқа ишлатилса цилиндр юзаси тозалиги $Ra\ 3,2\ \mu\text{м}$ бўлади. Ў11/д1



Демак мосламамиздаги қисил кучини ҳисоблаймиз.

$$W = k \cdot \Pi_{\text{кес}};$$

Бу ерда $k = k_1 k_2 k_3 k_4$

$k_1 = 1,2$ – буровчи моментни ҳисобга олувчи коэффициент

$k_2 = 1,1$ ўқ бойича тасир этувчи кучни ҳисобга олувчи коэффициент

$k_3 = 1,6$ тангенсиял кучга боғлиқ коэффициент

$k_4 = 1,1$ ишқаланишга боғлиқ коэффициент

$$K = 1,2 \cdot 1,1 \cdot 1,6 \cdot 1,1 = 2,32$$

Мосламани кесишдаги кучга нисбатан қисил кучи

$$W = 2,32 \cdot 1474,56 = 3421\ \text{Н}$$

Пневмосилиндр да қисил кучи $W = 3421\ \text{Н}$ бўлишини таъминлаш керак.

Пневмосилиндр штогидаги куч қуйидаги формула орқали топилади:

$$Q = \frac{\pi \cdot D^2}{4} \cdot p \cdot \eta \cdot k;$$

Бу ерда: $p = 0,4 - 0,6\ \text{Мпа}$

$\eta = 0,6$; цилиндрдаги йўқотишларни ҳисобга олувчи коэффициент

$k = 78\ \text{Н}$ пружина қайтариш кучи

демак қисил маромларидан келиб чиқиб қисилдаги тасир этувчи куч $\Pi = 1474\ \text{Н}$

$W=K$ шартли равишда тенг деб қабул қиламиз демак цилиндр диаметрини ҳисоблаймиз.

$$D = \sqrt{\frac{4 \cdot Q}{\pi \cdot p \cdot \eta}} = \sqrt{\frac{4 \cdot 3421}{3,14 \cdot 0,4 \cdot 10^3 \cdot 0,6}} = 100 \text{ мм}$$

4.2 Автоматлаштириш мосламаси лойihalаш ва ҳисоблаш.

Станок шпинделидаги кесувчи асбобни қисил қурилмаси. Фрезалаш ва йўниб кенгайтириш апроқаларини маҳкамлаш учун расмда кўрсатилган автоматлаштириш механизми қўллаш мумкин. Оправка1 шпиндел 16 га ўрнатилади, Шпиндел гилза 15 билан биргаликда ўқ бўйлаб ҳаракат қилиш имконига ега, стержен 6га ўрнатилган санга 4 билан маҳкамланган. Тарелкасимон пружиналар 5 кучланиши ҳисобига винт каллаги 14га таъсир қилади. У пружина 5 гайка 7га тиралиб туради. Втулка 2 сангани ўз ўзидан бўшаб кетишидан сақлаб туради. Агар шпинделда оправка бўлмаса чашка 12 пружиналар ҳисобига фланец 8га қадаб қўйилади.

Асбобни ўрнатиш учун гидроцилиндр хизмат қилади. Танаси 10 шпиндел билан бирга ўқ бўйлаб ҳаракат олади ва буралиб кетишдан шпонка 9 сақлаб туради, шпонка 9 шпиндел бабка танасига маҳкамланган. Гидроцилиндрнинг ўнг қисмига йўналтирилган йоғ шток орқали чап қисмига штади, шток 11 цилиндр 2 орқали ҳосил қилинган кучланиш сабабли чашка 12 орқали тарелкасимон пружиналар пакетига таъсир қилади. Бунда санга 4 чап томонга силжиб санга атрофидаги втулка 13 имкон берган ҳолатигача очилади. Пружина 3 керакли ҳолатда ушлаб туради.

Автоматлаштириш кўрсаткичи

$$M_{cp} = \frac{MP_x(D_2 + d_2)}{4 \sin \theta} (1 - 0,04 \Delta 0)$$

Конусни ўрта диаметри

$$d_{cp} = \frac{D_1 + d_2}{2} = \frac{43 + 34}{2} = 38,5 \text{ мм}$$

Кучланиш кўрсаткичи

$$Q = \frac{M_{cp}}{d_{cp}} = \frac{6420}{37,5} = 171,2 \text{ Н}$$

ГОСТ 25557-82 бўйича конус морзени енг яқинини танлаб олинади.

4.3.Назорат мосламаси ҳисоблаш ва лойихалаш.

Назорат мосламалари детал ўлчамларининг аниқликларини ва детални тайёрлашга қўйиладиган талабларни текшириш усун хизмат қилади. Деталга қўйилган техник талабларга асосан назорат мосламасини ҳисоблаш ва лойихалаш зарур .Назорат мосламасида текширилаётган детални базалаш учун ўрнатиш бўйинлари ,индикатор,штангенциркул,калибр ёки бошқа ўлчаш асбоблари учунхаракатланмайдиган ёки харакатланадиган устунлар, зарур бўлса қисил воситалари,хар-хил узатиб бериш деталларидан фойдаланиш кўзда тутилган бўлиши керак.Деталимизни тешик юзаларини ўлчашда биз калибрлардан фойдаланамиз ва лойихалаймиз. Иккита $\varnothing 10H9$ мм тешиклар орасидаги масофалар $L=144$ мм Уларнинг ўзаро ўқдан четга чиқишлари $0,01$ мм дан ошмасликлари керак . Ўқдан четга чиқишлар $0,01$ мм ташлил қилади.

Тешикларни назорат қилувчи калибр ҳисоби. $\varnothing 10h9$

Бизга берилган деталимизнинг тешикларини назорат қилиш учун уларнинг ўлчовчи калибр асбобидан фойдаланамиз.Тешик системаси учун рухсат этилган четланишлар :

$$E_s = + 30 \text{ мкм}$$

$E_i = 0$ ГОСТ 25 347-82 (Ст.СЭВ 144-75) га асосан у ҳолда тешик диаметрлари қуйидаги кўринишда бўлади:

$$D_{MAX} = D_N + ES = 10 + 0,03 = 10,03 \text{ мм}$$

$$D_{MIN} = D_N + EI = 10 + 0 = 10,00 \text{ мм}$$


Калибрнинг допускини ва четланишларни аниқлаймиз:

$$Z=4$$

$$Y=3 \quad \text{ст.СЭВ 157-75}$$

$$H=5 \quad ([16]127 \text{ б,1жад})$$

Текширилаётган деталимиз ва калибр допускларини майдони жойлашиш схемаси чизамиз.



Калибрнинг ишлатилаётган ўлчами ва келтирилган ҳисобини.

$$П-ПП_{\max} = D_{\min} + z + \frac{H}{2} = 10 + 0,004 + \frac{0,005}{2} = 10,0065 \text{ мм}$$

$$П-ПР = D_{\min} + z - \frac{H}{2} = 10 + 0,004 - \frac{0,005}{2} = 10,0015 \text{ мм}$$

$$П-ПР_{\text{исл}} = П-ПП_{\max} - M = 10,0065 - 0,005 \text{ мм}$$

$$П-ХЭ_{\max} = D_{\max} + \frac{H}{2} = 10,03 + \frac{0,005}{2} = 10,0325 \text{ мм}$$

$$P-HE_{\min} = D_{\min} - \frac{H}{2} = 10,03 - \frac{0,005}{2} = 10,0275 \text{ мм}$$

$$P-HE_{\text{исл}} = 10,0325 - 0,005 \text{ мм}$$

4.3. Кесиш асбобини лойиҳалаш ва ҳисоблаш

Спирал пармани ҳисоби.

Ø 16мм, чуқурлиги л=46 мм тешиқ ҳосил қилиш учун тезкесар пўлатдан тайёрланган конуссимон сипирал пармани ҳисоблаш ва лойиҳалаш, заготовкка-конструксион углеродли пўлат мустаҳкамлигини $\sigma_B = 450 \text{ МПа}$ (-45 кгс/мм²).

1. Пармани диаметрини аниқлаймиз .

ГОСТ 19257-73 бўйича Ø16 мм тешиқ ҳосил қилиш учун керакли пармани диаметрини топамиз.

$$D = 16 \text{ мм}$$

2. Кесиш маромларини (16) нормативдан аниқлаймиз:

а) суриш 27-жадвалдан ,433 бет $C = 0,39 - 0,47 \text{ мм/айл}$;

б) жадвал 28-30 дан кесиш тезлигини аниқлаш учун коэффициентни аниқлаймиз $V = 32 \text{ м/мин}$.

3. Ўқ бўйича куч

$$P_x = 9,81 C_p D^x p s^y p K_{MP}$$

31-жадвалдан 436-бетдан топамиз.[5].

$$K_{MP} = \left(\frac{\sigma_B}{75}\right)^{0,75} = \left(\frac{45}{75}\right)^{0,75} = 0,6^{0,75} = 0,682$$

$$P_x = 9,81 \cdot 68 \cdot 16 \cdot 0,4^{0,7} \cdot 0,682 = 2395 \text{X} (239,5 \text{ кгс})$$

4.Кесишдаги куч моменти қаршилиги (буровчи момент).

$$M_{CP} = 9,81 C_M D^{Z_M} S^{Y_M} K_{M_M}.$$

31-жадвалдан 43-бетидан топамиз.[5].

$$C_M = 0,0345; Z_M = 2,0; Y_M = 0,8;$$

$$K_{M_M} = 9,81 \cdot 0,0345 \cdot 16^2 \cdot 0,4^{0,8} \cdot 0,682 = 11,08 (1108 \text{ kgs} \cdot \text{mm} = 1,1 \text{ kgs})$$

5.Пармани дастагини конус моРзесини аниқлаймиз:

Дастак ва втулка орасидаги ишқаланиш моменти

$$M_{TP} = \frac{\mu P_x (D_1 + d_2)}{4 \sin \theta} (1 - 0,4 \Delta \theta)$$

Ейилган парма билан ишлов беришда нормал ҳолдаги парма билан ишлаш ишқаланиш моменти; $P_x = 2395 (-239,5 \text{ kgs})$ бўйича куч; $\mu = 0,096$ – пўлатни ишқаланиш коэффициенти;

$\theta = 1^\circ 26' 16''$ -конус бурчагини ярми(конусностлиги 0,05020; $\sin \theta = 0,0251$) тенг ;

$\Delta \theta = 5$ конус бурчагини оёши.

$$d_{cp} = \frac{16 \cdot 1108 \cdot \sin 1^\circ 26' 16''}{0,096 \cdot 239,5 (1 - 0,2)} = 15,2 \text{..mm}$$

Стандарт СТ СЭВ 147-75 бўйича яқин катта конусни қабул қиламиз.Конус Морсе №3 лапкаси билан қуйидаги конструктив ўлчамлар бўйича:

$D_1 = 16$ мм, $d_2 = 4$ мм, $l = 100$ мм; Қуйруқ қисмини қолган ўлчамлари чизмада кўрсатилган. [5] 154-бет,

6.Парманинг узунлигини аниқлаймиз.Парманинг умумий узунлиги L ; ишчи қисмини узунлиги $l_p = 40$ мм;

Қуйруқ ва бўин ўлчамлари ГОСТ 10903-77 ёки ГОСТ 4010-77 бўйича қабул қилиниши мумкин.

$$L = 15 \text{ мм}, l_p = 57 \text{ мм}$$

$$d_1 = D_1 - 1,0 = 16 - 1,0 = 15 \text{ мм}$$

7.Пармани кесувчи қисмини геометрик ва конструктив параметрларини аниқлаймиз.

1)Норматив ((16) карта 43,200-201 бет) дан топамиз .С Ҳархлаш шакли ДП (двойная с паточкой перемкчки)

2)Винцимон ариқчани оёиш бурчаги $\omega = 30^\circ$.

3)Кесувчи кирралари орасидаги бурчаги $2\varphi = 118^\circ$; $2\varphi_0 = 70^\circ$.

4)Орқанги бурчаги $\alpha = 12^\circ$

5)Олдинги кесувчи қиррасини оёиш бурчаги $\psi = 35^\circ$.

6)Чархлаш ўлчами $A=2,5\text{мм}, l=5\text{мм}$

7)Винцимон ариқча қадами $X = \frac{\pi D}{\text{tg}\omega} = \frac{3,14 \cdot 16}{\text{tg}30^\circ} = 82.63 \text{ мм}$

8.Пармани ўзагини диаметрини d_e унинг диаметрга асосан қуйидаги ораликда қабул қиламиз.

$D_{MM} \dots\dots 0,25-1,25 \quad 1,5-12,0 \quad 13,0-80,0$

$d_{Cmm} \dots\dots (0,28-0,20)D \quad (0,19-0,15)D \quad (0,14-0,25)D$

Парманинг ўзагини диаметри олдинги қисми бўйича $0,14D$ деб қабул қиламиз.

У ҳолда $d_e = 0,14D = 0,14 \cdot 16 = 2,24 \text{ мм}$

9.Пармадаги қайта конуслилиги (унинг диаметрини қуйруқ қисми йўналиши бўйича камайиб бориши) ҳар ҳил 100мм да $0,08\text{мм}$ қисқариб боради.

10.Парма лентаси ва бўйин қисмини баландлиги (вксоту затқлка по спишке К)ни (1). 158-бет, 63-жадвалдан қабул қиламиз.

$\phi_0 = 8\text{мм}, K = 0,7\text{мм}$

11.Парма перосини эни $B = 0,58D = 0,58 \cdot 16 = 9,28 \text{ мм}$

12.Пармани ариқчасини очувчи фреза профилини геометрик элементларини аналитик усулда ҳисоблаймиз.

Фреза профилини катта радиуси .

$$P_0 = C_R C_K C_\phi C_2$$

Формуладан $C_R = \frac{0,026 \cdot 2\phi^3 \sqrt{2\phi}}{\omega} = \frac{0,026 \cdot 118^3 \sqrt{118}}{30} = 0,493$.

Парма ўзагини қалинлиги унинг диаметрга нисбати $\frac{d_c}{D} = 0,14 \quad C_q = 1$

$$C_\phi = \left(\frac{13\sqrt{D}}{D_\phi} \right)^{0,3}$$

Фреза диаметри $D_\phi = 13\sqrt{D} \quad C_\phi = 1$, бўлса у ҳолда $P_0 = 0,463 \cdot 16 = 6,945 \text{ мм}$

Профилни кичик радиуси $P_K = C_K \cdot D \quad C_K = 0,015\omega^{0,75} = 0,015 \cdot 30^{0,75} = 0,191$

Шунингдек $P_K = 0,191 \cdot 16 = 2,865 \text{ мм}$

Профилни эни $B = P_0 + P_K = 6,945 + 2,865 = 9,81\text{мм}$

13.Топилган ўлчамлар бўйича ариқча очувчи фрезани профилини кураимиз

5. Ташкилий бўлим

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида таъкидланганидек Республика иқтисодиёти реал сектори соҳасида жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омиллари: базавий тармоқларда модернизация, техник ва технологик қайта жихозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мосласувчан минитехнологияларни татбиқ этиш; ички ва ташқи бозорларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан янги товарлар турларини сотиш ҳажимларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш; иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин камайтириш; техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, маҳсулот сифатини бошқаришнинг ҳалқаро стандартларини татбиқ этиш; мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, жаҳон бозорларида нарх-наво конъюктураси тез ўзгариб бораётган шароитда экспорт механизмларини такомиллаштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятни барпо этиш-устувор мақсадимиз” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазирамиз-Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларида

белгиланган вазифаларидан келиб чиқиб иқтисодиётимиз яқин йиллар ичида янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатдош бўлмоғи учун итисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификатсия қилиш бўйича ҳали кўп иш қилиш лозимлигини, бу ўринда, мамлакатимиз ва минтақамиздаги мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, газни қайта ишлаш, нефт-кимё, кимё саноати, энергетика, автомобилсозлик, электротехника саноати, машинасозлик, фармацевтика каби замонавий соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларини ва албатта, ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш, яқин келажакда рақамли ва кенг форматли телевидениясига ўтиш зарур.

5.1. “Плита” деталига ишлов бериш механик бўлимини ташкил қилиш.

Лойиҳаланаётган бўлим “плита” деталига ишлов бериш учун мўлжалланган бўлиб, 1 сменали иш тартиби бўйича фаолият кўрсатади. 1 сменали иш тартибида дастгоҳларнинг ҳақиқий йиллик ишлаш фонди $F_d=2015$ соат, йил давомида иш кунлари сони эса 254 кунга тенг. Ишлаб чиқариш унумдорлиги, унинг техникавий ўсиши ва маҳсулот сифатини ошириш каби тадбирлар ташкилий ишларнинг энг қулай усуллари ва техник иқтисодий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланилиши асосида амалга оширилади.

2.3 бўлимдаги ҳисобларга кўра бизнинг лойиҳаимзда қурилаётган бўлим ўрта серияли ишлаб чиқариш турига таалуқли бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми $N=6000$ дона, детал вазни $m= 10$ кг.

5.2. Дастоҳлар миқдорини аниқлаш

Ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида дастоҳлар сони қуйидагича топилади:

$$C_x = \frac{t_{d.k} \cdot N}{\Phi \cdot 60 \cdot K_{k.c.}},$$

Бу ерда $K_{k.c.}$ -қайта созлаш коэффиценти (кўпинча $K_{k.c.}=0,95$ олинади)

$F_d=4029$ соат -2сменали иш учун.

Хисоблар асосида олинган дастгоҳлар сони энг яқин бутун сонга келтирилиб қабул қилинган дастгоҳлар сони C_k аниқланади

бу ерда ҳар бир операция учун деталнинг калькуляцион вақти:

$$1. \quad C_{x_1} = \frac{2,56 \cdot 6000}{4029 \cdot 60 \cdot 0,95} = 0,06 \quad C_{k1}=1 \text{ қабул қиламиз}$$

$$2. \quad C_{x_1} = \frac{5,99 \cdot 6000}{4029 \cdot 60 \cdot 0,95} = 0,15 \quad C_{k1}=1 \text{ қабул қиламиз}$$

C_k – қабул қилинган дастгоҳлар сони.

Ҳар бир операцияда дастгоҳларнинг юкланиш коэффициентини қуйидаги формула билан топилади:

$$K_{ю} = \frac{C_x}{C_k} \quad K_{ю1} = \frac{0,06}{1} = 0,06 \quad K_{ю2} = \frac{0,15}{1} = 0,15$$

$$K_{орт} = \frac{K_{ю1} + K_{ю2}}{2} = \frac{0,06 + 0,15}{2} = 0,105$$

Асосий вақт буйича дастгоҳлардан фойдаланиш коэффициентини қуйидагидай топилади.

$$K_c = \frac{t_{ac}}{t_d} \quad K_{c1} = \frac{0,788}{2,56} = 0,307 \quad K_{c2} = \frac{3,71}{5,99} = 0,62$$

$$K_{орт} = \frac{K_{c1} + K_{c2}}{2} = \frac{0,307 + 0,62}{2} = 0,46$$

Дастгоҳларнинг кайдномаси.

5.1.жадвал.

№	Дастгоҳ номи операция лар буйича	Дастгоҳлар сони		Двигатель куват	Юкла- ниш коэф- фициенти	Асосий вақт бўйича фойдаланиш коэффициен ти
		хисоб ий	қабул қилин ган			
1.	6Т13Ф2 РДБ фрезалаш	0,06	1	13	0,06	0,307
2.	2Н135 Ф2 РДБ пармалаш	0,15	1	7,5	0,15	0,62

5.3 Ишчи ва хизматчилар сони

Ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида корхоналарда асосий дастгоҳлар сони қабул қилинган дастгоҳлар сонига қараб ҳисобланади.

$$r_{\text{дасг}} = 2 \text{ киши}$$

Асосий ишларнинг рўйхат сони, қатнашувчи ишчилар сонидан 12-15% ошади, яъни $R_{\text{ас.иш}} = 2 \times 0,15 = 0,3$ 1 киши қабул қиламиз

$$2_{\text{ишчи}} + 1 = 3 \text{ киши}$$

Ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида чилангарлар сони асосий ишчилар сонининг 1-3 % тенг деб олилади, яъни $r_{\text{чил}} = 3 \times 0,03 = 0,09$ қабул қиламиз 1 киши

Ишлаб чиқаришда қатнашувчи ишчиларнинг умумий миқдори

$$R_{\text{ум}} = 4 \text{ киши}$$

Ёрдамчи ишчилар сони эса асосий ишчилар умумий миқдорининг 30-40 % ни ҳисобида олинади.

$$R_{\text{ёр}} = 4 \times 0,3 = 1,2 \text{ қабул қиламиз 2 киши Жами ишчилар сони } r_{\text{иш}} = 6 \text{ киши}$$


Мухандис техник ходимлар асосий ишчилар сонидан 12-15 % ҳисобида олинади.

$$M_{\text{ТХ}} = 6 \times 0,15 = 0,9 - 1 \text{ киши қабул қиламиз.}$$


Омбор ва идора ходимлари асосий ишчилар сонидан 5-6% ҳисобида олинади.

$$O_{\text{ИХ}} = 6 \times 0,05 = 0,3 - 1 \text{ киши қабул қиламиз}$$

Кичик хизмат курсатувчи ходимлар асосий ишчилар сонидан 1,5-2 % ҳисобида олинади. $K_{\text{ХКХ}} = 6 \times 0,02 = 0,12$ қабул қиламиз 1 киши.



5.1.расм. Дастгоҳларни юкланиш графиги



2.2. расм. Дастгоҳлардан асосий вақт бўйича фойдаланиш графиги.

5.4. Бўлим майдони ҳисоби.

Бўлимнинг асосий майдони дастгоҳлар категорияси ва габарит ўлчамларга асосланиб аниқланади. Бизнинг майдонимизда ҳисобимиз бўйича 2 та дастгоҳ жойлаштирилади. Булардан катта дастгоҳлар $0 \times 30 = 0 \text{ м}^2$ ва кичик дастгоҳлар $2 \times 20 = 40 \text{ м}^2$. Жами $Q_{\text{он}} = 40 \text{ м}^2$ ташкил қилади. Ёрдамчи хоналар майдони асосий майдон ҳисобидан 25-30% ҳисобида ажратилади. $Q_{\text{ёр}} = 40 \times 0,25 = 10 \text{ м}^2$. Ташқи майдон ишчи майдоннинг 10% га тенг деб олинади: $Q_{\text{таш}} = 5,5 \text{ м}^2$.

Маиший хизмат кўрсатиш учун майдон асосий майдоннинг 20-30% га тенг: $Q_{\text{м}} = 40 \times 0,22 = 8,8 \text{ м}^2$.

Бўлим умумий майдони:

$$Q_{\text{ум}} = 40 + 10 + 5,5 + 8,8 = 64,3 \text{ м}^2$$

6 Иқтисодий қисм

Цех бўлимларида технологик жараёнларни лойиҳалашда унинг самарадорлигини аниқлайдиган асосий кўрсаткич бу ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарни ҳисобланади. Технологик жараёнларни қандайдир операцияси учун қўшимча ностандарт қурилма, мослама механизм қўлланган ҳолда операцияни технологик таннарини аниқлаш учун, келтирилган сарф-харажатларни аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун қуйидаги бошланғич маълумотларни билиш керак бўлади.

6.1 Асосий жамғармалар харажати аниқлаш

а) Бинонинг қийматини аниқлаш

$$S_{ж} = 1,3Q_{ум}h_{пр}q_{пр} = 1,3 \cdot 64,3 \cdot 9 \cdot 1500 = 2\,213\,055 \text{ сўм}$$

1,3 - фирма усти қўшимча ҳажмини ҳисобга олувчи коэффициент

$Q_{ум}$ - умумий бинонинг майдони ташқи ўлчам билан

$h_{пр}$ - бинонинг баландлиги, м

$q_{пр}$ - 1 м³ бинонинг баҳоси, сўм

$$q_{пр} = 25 \cdot 60 = 1500 \text{ сўм}$$

б) Дастгоҳ ва жихозлар қиймати. Дастгоҳлар қийматини уларни сони, переспурент баҳоси, транспорт харажати, монтаж харажатидан келиб чиқиб ҳисоблаймиз ва 6.1 жадвалга ёзилади.

в) Асбоб ускуна, мосламалар қиймати. Уларни қиймати дастгоҳларни баланс қийматидан 15% олинади.

$$C_{ип} = C_{бал} \cdot 15\% = 2\,213\,055 \cdot 0,15 = 331\,958,25 \text{ сўм}$$

Қиймат баҳо асбоб ускуналарни баҳоси уларни схемаси қийматидан 30% ни ташкил қилади.

$$C_{д.и} = C_{ип} \cdot 0,3 = 331\,958,25 \cdot 0,3 = 99\,587,475$$

д) Инветорлар ҳисоби.

Ишлаб чиқариш инветорлари $C_{ба}$ ни 0,015%да олинади.

$$C_{иквпр} = 0,015 \cdot C_{dal} = 0,015 \cdot 2\,213\,055 = 33\,195,825 \text{ сўм}$$

$$C_{инвхоз} = 17 \cdot 500 + 4 \cdot 350 = 9900 \text{ сўм}$$

$$C_{инвхоз} = 33\,195,825 + 9900 = 43\,095,825 \text{ сўм}$$

6.2 Асосий фондларнинг таркиби ва тузилиши

Асосий фондларнинг таркиби ва тузилиши

6.2 - жадвал

Кўрсаткичларни номи	Бошланғич (баланс) қиймат, сўм	Умумий амартизация меёри, %	Амартизация йиллик миқдори
1. Дастгоҳлар.	2 213 055	10,2	225 731,61
2. Бино – қурилмалар	331 958,25	3,2	10 622,664
3. Асбоб - ускуналар (қимматбаҳо)	105700,5	20,2	21351,501
4. Ишлаб чиқариш ва хўжалик инвенторлари.	99 587,475	8,9	8 863,28
Жами:	2 750 301,225	8,2	226 568,06

Материал сарфи ҳисоби.

Асосий материал сарфи

$$Z_M = \sum H_M \cdot \Pi_M \cdot K_{t,z} - \sum H_o \cdot \Pi_o = 67,5 \cdot 35000 \cdot 1,05 - 2400 \cdot 4,05 \\ = 2480625 - 9720 = 2470905 \text{ сўм}$$

Ёрдамчи материал сарфи

$$Z_{yo} = 2470905 \cdot 0,02 = 49418,1 \text{ сўм}$$

6.3 Ишчилар иш ҳақи фонди ҳисоби.

Асосий ишчилар иш ҳақи.

$$ZP_{сўм} = \sum N \cdot T_{ct}$$

$$T_{ct} = 4000 \text{ сўм/соат}$$

$$ZP_{сўм1} = 6000 \cdot 5,53 \cdot \frac{4000}{60} = 2\,212\,000 \text{ сўм}$$

$$ZP_{сўм2} = 6000 \cdot 4,61 \cdot \frac{4000}{60} = 1\,840\,000 \text{ сўм}$$

$$ZP_{\text{сўм3}} = 6000 \cdot 3,79 \cdot \frac{4000}{60} = 1\,516\,000 \text{ сўм}$$

$$ZP_{\text{сўм4}} = 6000 \cdot 8,59 \cdot \frac{4000}{60} = 3\,436\,000 \text{ сўм}$$

$$ZP_{\text{сўм5}} = 6000 \cdot 3,94 \cdot \frac{4000}{60} = 1\,576\,000 \text{ сўм}$$

Жами: 10 580 000 сўм

6.4 Жихозларни тузиш ва улардан фойдаланиш харажатларини аниқлаш.

Дастгоҳларни тутгичини сарф харажатлари ишлаб чиқариш ишчиларни асосий иш ҳақидан 150% олинади.

$$Z_{\text{обор}} = \sum ZP_{\text{сд}} \cdot 1,5 = 10\,580\,000 \cdot 1,5 = 12\,000\,000 \text{ сўм}$$

6.5 Умумий сех сарф харажатларини аниқлаш.

6.5-жадвал

МТХ, ОИХ, КХХ лар иш ҳақи фўнди

Хизматчи табақаси	Лавозими	Хизмат -чи сони	Ойлик маоши. сўм	Йиллик иш ҳаққи фонди, минг сўм	Ижтимоий суғурта 30%
М.Т.Х.	1. Сех бошлиғи	1	250000	3 000 000	28800
	2. Усталар	1	200000	2 400 000	24480
О.И.Х	Омборчи				
К.Х.Х		1	150 000	1 800 000	14400
	Фаррош	1	100 000	1 200 000	6484
Жами:		4	20600	247200	74160

Сех харажатларини ишлаб чиқариш ишчиларини иш ҳақига 120% ни ташкил қилади.

$$Z_{\text{сех}} = \sum ZP_{\text{су}} \cdot 1,2 = 278163,54 \text{ сўм}$$

Умум завод харажатлари и/ч шуғулланувчиларини асосий иш ҳақини 90%

ташқил қилади.

$$Z_{\text{обш}} = \sum ZP_{\text{су}} \cdot 0,9 = 208622,65 \text{ сўм}$$

а. Юқори қопқоқ деталининг таннархи калкуляцияси.

Йиллик дастур N=6000 дона

6.6 Жадвал

№	Сарф харажатлар	Бир дона махсулот таннархи сўм	Йиллик дастур учун сарф минг сўм
1.	Асосий материал сарфи, ташиш таёрлаш харажатлари билан (чиқинди киритилмайди)	121,7	2470,9
2.	Ёрдамчи материал сарфи ташиш тайёрлов харажатлари билан.	155,29	49,418
3.	Асосий ишчиларни асосий ва қўшимча иш ҳақи.	256,4	336,114
4.	Ижтимоий суғурта ажратмалари	4,63	69,541
5.	Дастгохларни тутиш билан боғлиқ харажатлар	23,1	347,704
6.	Сех харажатлари Жами сех таннари	18,54 236,79	278,1635 3551,84
7.	Умумий завод харажатлари	13,9	208,622

	Жами и/ч (завод) таннархи	250,69	3760,462
8.	Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар (завод таннархидан 0,5%)	1,25	18,802
9.	Жами тўла таннархи	251,95	3779,264
	Режа бўйича фойда (тўла таннархининг 15% и)	37,79	566,884
10.	Махсулотни (детални) шартли улгуржи бахоси	289,7	4346,154

6.7 Лойиҳани иқтисодий самарасини аниқлаш.

Абсалют самарадорлик коэффисенти.

$$\partial_{abc} = \frac{i - c}{k} = \frac{p}{k} = \frac{566\,889}{278\,163.4} = 2.037$$

Харажатларни қопланиш муддати- $T_{ок}$

$$T_{ок} = \frac{k}{p} = \frac{278\,163.4}{566\,889} = 0.5 \text{ йил}$$

$\Xi_{abc} > \Xi_n$ бу ерда $\Xi_n = 0.166$, демак лойиҳани иқтисодий самараси қониқарли даражада дейиш мумкун.

6.7 Жадвал

№	Кўрсаткичлар номланиши	Қиймати		Фарқи	
		Корхона	Лойиҳа	+	-
1	Йиллик дастур.	29975	30000		25
2	Барча махсулотларни улгуржи сотиш бахоси.	4 350 000	4 346 154		3846

3	Қабул қилинган дасгоҳлар номи.	4	4		
4	Дасгоҳларнинг умумий баҳоси.	205004562	210042521,7		5037959.7
5	Электро двигател баҳоси.	32.5	34,5		2
6	Бўлимнинг иш тартиби:				
	а) Йилдаги иш кунлари сони.	254	254		
	б) Иш кунида смена сони.	2	2		
	с) Иш сменаси давомийлиги.	8	8		
7	Донабай вақт меъёрлари.	6	5.5	0.5	
8	Дасгоҳларни қопланиш коэффисиэнти.	0.5	0.5		0.5
9	Асосий вақт бўйича фойдаланиш коэффисиэнти.	0.75	0.80		
10	Бўлимнинг умумий майдони.	126.1	126	0.1	

11	Бўлимда ишлаб чиқариш сони: Шулардан ишчилар сони. Улардан асосий ишчилар сони.	20 11	20 11		
12	Йиллик ишлаб чиқариш миқдори: Бир ишчи учун. Бир ишловчи учун.	29975 2725	30000 2727.27	2.27	
13	Умумий иш ҳақи фонди: Шу жумладан ишчиларники. Улардан асосий ишчиларники.	7500000 7350000 3500000	7785821.35 7500000 3700000		285821.35 150000 20000
14	Ўртача ойлик иш ҳақи: 1 та асосий ишчини. 1 та ёрдамчи ишчини. 1 та хизматчини.	335000 270000 200000	350000 250000 188000		15000 20000 12000
15	Бирдона маҳсулот тўлиқ таннархи.	1248	1450		2

7. Хорижий инвестиция бўлими.

Мамалакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бугунги кунда иқтисодиётнинг барча жабхаларида кескин бурилишлар, ўзгаришлар ва ривожланишлар содир бўлмоқда. Ушбу ривожланишларнинг асосий сабаби эса оқилона юритилаётган иқтисодий жараёнлар ва тадбиркорликка асосланган ҳолда қабул қилинаётган молиявий қарорлардир.

Бу фикрларнинг тўғрилигини эса йиллар давомида эришиб келинаётган ютуқларимиз сўзсиз исботлайди. Ўзбекистон Республикасини 2014 йилнинг I чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш бўйича ўрта муддатли дастурларнинг бажарилишини давом эттириш 2014 йилнинг I чорагида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий динамикасини сақлаш ва кейинги чорақларда иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг мустаҳкам асосини яратишни таъминлаётганлигини кўришимиз мумкин.

I. Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи амалдаги стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд захира ва имкониятлардан кенг фойдаланиш

Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи амалдаги стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд захиралар ва имкониятлардан кенг фойдаланиш шу йилнинг I чорагида ялпи ички маҳсулотнинг 7,5 фоизга ошишини таъминлади. Инфляция даражасининг паст кўрсаткичи ва давлат бюджети профицитининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоизни ташкил этиши орқали мамлакат макроиқтисодий барқарорлиги янада мустаҳкамланди.

Саноат тармоқларини диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ички талабни рағбатлантириш ва ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган

рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш борасида кўрилган чора-тадбирлар самарасида ҳисобот даврида саноат ишлаб чиқариши ҳажми жадал ўсиши таъминланди. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,9 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 12,8 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида истеъмол товарлари улушининг 2013 йилнинг биринчи чорагидаги 29,5 фоиздан 2014 йилнинг I чорагида 34,4 фоизгача ўсишига эришилди.

Натижада шу йилнинг биринчи чорагида ЯИМ ўсишининг 20 фоиздан ортиғи саноат ривожланиши ҳисобига таъминланди. Бу 2013 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баравар кўп (11,6 фоиз) демакдир. Саноатда меҳнат самарадорлиги 7,2 фоизга ўсди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ўрта ҳисобда 8,8 фоизга ва ялпи ички маҳсулотдаги энергия сарфини 15 фоизга қисқартиришга эришилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий юқори самарали агротехнологияларни жорий қилиш ҳамда деҳқон ва фермер хўжалиқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларнинг давом эттирилиши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,2 фоизга ошишига хизмат қилди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турининг кенгайтирилиши хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича кўрилган дастурий чора-тадбирлар баробарида чакана савдо айланмаси 14,3 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш 9,1 фоизга ошишини таъминлади. Умуман, жорий йилнинг I чорагида кўрсатилган хизматлар ҳажми 11,8 фоизга ўсди, уларнинг ЯИМдаги улуши 52,9 фоизга кўпайди (2013 йилнинг шу даврида 52,5 фоиз).

II. Инвестиция жараёнининг янада ўсиши ва такомиллаштирилиши, саноатда энг муҳим юқори технологияли ва замонавий объектлар ҳамда қувватларнинг ишга туширилишини таъминлаш

Инвестиция сиёсатининг фаол амалга оширилиши ва энг замонавий объектлар ҳамда қувватларнинг ишга туширилишини жадаллаштириш натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган капитал қуйилмаларнинг умумий ҳажми эквивалентда 2,5 миллиард долларни ташкил этди ва 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 12,4 фоизга ўсди.

Инвестициявий муҳитни янада такомиллаштириш бўйича кўрилган чоралар туфайли йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми ярим миллиард доллардан ортди ва 588,6 миллион долларни ёки ўзлаштирилган умумий капитал қуйилмалар ҳажмининг 23,3 фоизини ташкил этди. Хорижий инвестициялар ва кредитлар умумий ҳажмининг 89 фоиздан ортиғини (525 миллион доллар) тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 баробар ўсди.

2013 йилнинг охирида ижтимоий соҳа объектлари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини барпо этишни тўла таъминлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг бюджет маблағлари ҳисобидан 24,8 фоизга ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 30,6 фоиз ўсишига кўмаклашди. Умуман, давлат бюджетидан иқтисодиётга ажратилаётган харажатлар 37,9 фоизга кўпайди.

Шу билан бирга аҳолининг юқори инвестициявий фаоллиги натижасида аҳоли маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 13 фоизга ортиб, 1,3 триллион сўмдан кўпроқни ташкил қилди.

Капитал қуйилмалар умумий ҳажмининг 66,9 фоизи ишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилди. Натижада шу йилнинг бошидан буён қиймати 416,2 миллион долларга тенг 37 тармоқ лойиҳасининг амалга оширилиши ниҳоясига етди. Жумладан, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида 13, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик компаниясида 6 тадан, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясида 4, «Ўзкимёсаноат»

ДАК ва Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасида 2 тадан ва бошқа лойиҳалар амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари амалга оширилиши доирасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича умумий қиймати 660 миллиард сўмдан зиёд бўлган 876 та лойиҳанинг амалга оширилиши яқунланди. Жумладан, 510 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Яқунланган лойиҳаларнинг умумий сонидан енгил саноатда ва тўқимачилик саноатида 188 та лойиҳа амалга оширилган, жумладан, озиқ-овқат саноатида 261, қурилиш материаллари саноатида 230, мебелсозлик ва ёғочга ишлов бериш соҳасида 74, кимё ва нефть-кимё саноатида 65, машинасозлик соҳасида 29, тери-пойабзал тармоғида 18, электротехника соҳасида 6 ва фармацевтика саноатида 5 лойиҳа амалга оширилди.

Шу йилнинг I чорагида умумий қиймати 3,3 миллиард долларга тенг 36 та янги йирик инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши бошланди. Умуман, инвестициявий фаолликнинг ўсиши қурилиш-пудрат ишлари ҳажмининг 15,5 фоизга кўпайишига хизмат қилди. Инвестициялар ҳажмининг ўсиши самарасида, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларининг даражаси ва сифатини ошириш, қурилиш-пудрат ташкилотларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида жорий йилда барча ҳудудларда 20 йирик ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотлари ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

III. Иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартириш, диверсификация қилиш ва янгилаш жараёнларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш

Соҳавий ва ҳудудий дастурлар доирасида лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳамда янги ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларининг ишга туширилиши саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш, диверсификация қилиш ва янгилаш жараёнларини янада чуқурлаштиришга кўмаклашди.

Натижада шу йилнинг I чорагида юқори қўшимча қийматдаги тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳаларда, жумладан, машинасозлик ва металлга ишлов бериш соҳаси (126 фоиз), қурилиш материаллари саноати (114 фоиз), тўқимачилик (112,1 фоиз) ва фармацевтика (117,7 фоиз) саноатининг жадал ўсиш суръатларига эришилди. Бу тармоқлар биргаликда жорий йилнинг I чорагида саноат тармоғидаги қўшимча ўсишни 70 фоиздан зиёдини таъминлади.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш, технологик ускуналарни харид қилиш ва айланма капитални тўлдириш мақсадида истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга шу йилнинг I чорагида 801,6 миллиард сўмлик банк кредитлари ажратилди (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 122,8 фоиз). Натижада истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 12,8 фоиз, жумладан, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш 5,3 фоиз ва ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш 18,7 фоизга ортди.

